

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Файзулла Бобокулович Очилдиев,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
fayzulla72@mail.ru

ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ

For citation: Fayzulla B.Ochildiev, SOCIAL RELATIONS AND TYPES OF TAXES IN THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE XIX – EARLY XX CENTURIES. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.96-104

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582939>

АННОТАЦИЯ

ХІХ асрнинг иккинчи ярми - ХХ аср аср бошларида Бухоро амирлигида жумладан, Шарқий Бухородаги ижтимоий муносабатлар ва солиқ турлари тўғрисидаги маълумотлар атрофлича таҳлил қилинган.

Мамлакатнинг ҳимоясиз оддий фуқаролари маҳаллий амалдорларнинг доимий зулми остида бўлгани, аҳолининг бадавлат қатлами ва ўзига тўқ деҳқонлар ўз ерларини кенгайтириш, кўпроқ фойда олиш мақсадида ўз ерларига ишлов беришга қурби етмаган ночор оилалар ва етим-есирларнинг ерларини арзон нархларда сотиб олиши, уларнинг ҳақ-хуқуқларини поймол қилиши, баъзи ҳолларда шариат уламолари ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай пасткашликлардан ҳам қайтишмаганлиги баён этилган.

Калит сўзлар: Бухоро, амирлик, ижтимоий, солиқлар, тўловлар, маҳаллий, ғалаёнлар, бунақ, адолатсизлик, беклик, амлоқдор.

Файзулла Бобокулович Очилдиев,
кандидат исторических наук, доцент.
Национальный университет
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
fayzulla72@mail.ru

СОЦИАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И ВИДЫ НАЛОГОВ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ ХІХ – НАЧАЛЕ ХХ ВВ.

АННОТАЦИЯ

Были подробно проанализированы данные о социальных отношениях и видах налогов в Бухарском эмирате, в том числе в Восточной Бухаре во второй половине ХІХ - начале ХХ вв.

Утверждалось что, беззащитные простые граждане страны постоянно подвергались притеснениям со стороны местных чиновников, богатые слои населения и самодостаточные крестьяне расширяли свои земли, и чтобы получить больше прибыли, они покупали по низким ценам земли беспомощных семей и сирот нарушая их права, которые не могли позволить себе обрабатывать свои земли.

Ключевые слова: Бухара, эмирате, социальных, налогов, платежи, местных, мятежи, бунак, несправедливость, бекство, амлякство.

Fayzulla B.Ochildiev,
Candidate of Historical Sciences, Docent.
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
e-mail: fayzulla72@mail.ru

SOCIAL RELATIONS AND TYPES OF TAXES IN THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE XIX – EARLY XX CENTURIES

ABSTRACT

The data on social relations and types of taxes in the Bukhara Emirate, including in Eastern Bukhara in the second half of the XIX – early XX centuries were analyzed in detail. It was argued that the country's defenseless ordinary citizens were constantly harassed by local officials, the rich and self-sufficient peasants expanded their lands, and in order to get more profit, they bought at low prices the land of helpless families and orphans, violating their rights that they could not afford cultivate their land.

Index Terms: Bukhara, emirate, social, taxes, payments, local, riots, bunak, injustice, beklík, amlakdor.

1. Долзарблиги:

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX бошларига келиб ҳам амирликда аҳолининг турмуш даражаси паст бўлиб, ерга эгалик қилиш шакллари, фуқороларнинг яшаш тарзи юз йиллар давомида ўзгармай келди. Солиқ ва ҳар ҳил тўловларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, мамлакатда хунармандчилик, қишлоқ ҳўжалик, савдо-сотик ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келди. Мамлакатнинг ҳимоясиз оддий фуқаролари маҳаллий амалдорлар ва диний уломаларнинг доимий зулми остида кун кечиршга мажбур эди. Мамлакатдаги бундай аҳвол аҳолининг эркин яшаши ва турмуш даражасининг яхшиланишига имкон бермасди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Бухоро амирлигида 50 га яқин солиқ ва тўловлар жорий этилган бўлиб, аҳоли бу солиқларни тўлашга мажбур эди. Зақоти чакана, қўш пули, яқсара, осие пули, обжувоз пули, таноб пули, алаф пули каби солиқларни тўлаш мажбурияти Бухоро ҳукумати томонидан расман белгиланмаган ва аниқ миқдори ҳам кўрсатилмаган. Лекин маҳаллий бошқарув органлари яъни бек ва амлоқдорлар ўзларининг фойдасини кўзлаб қўшимча тўловларни жорий қилиб аҳолидан тўлашни мажбур қилишган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро ҳукуматининг ўлкада олиб борган солиқ сиёсатига қарши аҳолининг норозилик кайфияти кучайди. Биргина хирож солиғи бу даврга келиб, 40 фоизгача кўтарилди. Юқоридаги маълумотларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, мамлакатдаги барча оғирликлар оддий меҳнаткаш омманинг зиммасига юкланган эди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада манбалар таҳлили, илмий қарашлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлили, тарихий маълумотларни умумлаштириш ва холислик тамойили усулларида фойдаланилган. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро ҳукуматининг ўлкада олиб борган солиқ сиёсатига қарши аҳолининг норозилик чиқишлари, Бухоро амирлигида ижтимоий-

иктисодий муносабатлар тўғрисида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Очилдиев Ф. (Ochildiyev 2008), Хақимова К.З. (Хакимов 1991), Маджлисов А. (Majlisov 1967), Стеценко И.А. (Stetsenko 1963), Мухсинова К.З. (Muxsinova 1965), Хамроев М. (Хамроев 1980) ва бошқлар XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида кечган ижтимоий-иктисодий муносабатлар тўғрисида илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

3. Тадқиқот натижалари:

XIX асрнинг охирига келиб, Бухоро амирлигида товар-пул муносабатларининг муомалага кириб келиши аҳолининг қишлоқ хўжалигини издан чиқарди. Шунингдек, деҳқонларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитининг оғирлашиб боришига олиб келди. Амирликда кўпчиллик деҳқонларнинг ўз ерларига ишлов бериш ва уруғ сотиб олишга қурби етмасди. Бу даврда Бухоро амирлигида судхўрлик билан шуғулланувчи бойлар кўпайиб борди. Натижада, камбағал деҳқонлар ер майдонларига ишлов бериш учун сўдхўрларга мурожат қилишга тўғри келган. Судхўр деҳқонларга меҳнат қурооллар, уруғ ваерга ишлов бериш учун қўшга қўшиладиган от, эшак ва хўккизларини катта фоиз ҳисобига ижарага беришган. Ижарага олинган буюм ва жониворлар ҳар доим ҳам деҳқонларга фойда келтирмаган. Агар деҳқонлар олган қарзи ёки ижара пулини кўрсатилган вақтда тўлай олмаса ўз еридан ажралиб, судхўрга бир умрга қарам бўлиб қолган ҳолатлар ҳам учраб турган.

Аҳолининг бадавлат қатлами, диний уломалар ва ўзига тўқ деҳқонлар кўпроқ фойда олиш мақсадида ўз ерига ишлов беришга қурби етмаган ночор оилалар ва етим-есирларнинг ерларини арзон нархларда сотиб олиб, уларнинг ҳақ-хукуklarини поймол қилиб келишган. Бундай ҳодисаларга кўплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, 1870 йилда Бойсун беклигида яшаган мулла Исҳоқхўжа оддий деҳқон Бердикулнинг вояга етмаган ўғилларидан бир чорак ерни ноқонуний йўл билан анча арзон нархда, 12 тангага сотиб олган[1].

Маълумотларга кўра, Кўлоб беклигидан унча узоқ бўлмаган Хирмонжой қишлоғида 5 та фарзанди билан бирга яшаб келган деҳқоннинг уйига кунлардан бир куни бекнинг навкарлари келиб унинг Майхум исмли 15 яшар қизини бекка асирага беришни сўраб келади. Бундан ташвишга тушган деҳқон қизини қариндошлари яшайдиган тоғли Саригор қишлоғига кочириб юборади. Эртаси куни деҳқоннинг уйига қиз ўзини сувга ташлаб чўкиб ўлди деган хабар келади. Бундан хабар топган Кулоб беги қизни атайлаб чўктириб юборгансан деб деҳқоннинг оила аъзоларини жазолашга буюради. Бекнинг бўйруғига кўра деҳқоннинг оила аъзолари қўлга олиниб, уларга 500 дарра урилади. Шундан сўнг, 3000 танга жарима солиниб уй ва ерлари тортиб олинади. Деҳқоннинг жаримани тўлаш учун пули бўлмаганлиги сабабли деҳқоннинг ўзи билан бирга оила аъзоларини қул қилиб сотиб юборади[2]. Бу каби ҳолатлар амирликнинг деярли барча ҳудудларида учраб турган.

Бухоро амирлигида деҳқонларга бунак бериш тизими ҳам мавжуд бўлиб, майда деҳқон ва ҳунармандларга бир қанча қийинчиликлар туғдирган. Бой амалдорлар маҳаллий қозининг гувоҳлигида бунакга муҳтож деҳқонларга фоизга қарз беришган. Берилган бунакни шартномада кўрсатилган вақтда фоизи билан тўлаш шarti қўйилган. Агар ўз вақтида бунак тўланмаса, гаровга қўйилган нарсани судхўр олиб қўйган.

Амирликда пахтага бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши натижасида судхўрлар деҳқонларга берган бунакни қайтариб олишда нақд пул ўрнига бунакни пахта билан қайтаришни шарт қилиб қўйишган. Бойсун беклигининг Янги-Ариқ қишлоғида яшовчи Мулла Ҳасан, Дўстбека, Норкўчқор ва Жўрабойлар Бухоро амирига йўллаган шикоятда маҳаллий бойлардан Раҳмонкул Мерган, Эрдонабой, Мансурбой ва Қурсабойлар берган қарзларини пул ўрнига маҳсулот, яъни пахта (ғўза) билан қайтаришни талаб қилганликларини ёзишган[3].

Судхўр деҳқонларга берган бунакни қайтариб олишда доимий равишда уларнинг маҳсулотларини паст нархларда ҳисоблаб олишган. Маълумотларда судхўр деҳқонлардан олинган маҳсулотларни 18 рубльга ҳисоблаб олишгани, деҳқонлар томонидан тўланган маҳсулотларнинг қиймати эса бозор нархида ҳисобланганда 33 рубльга тўғри келгани қайд қилинган[4].

Маҳаллий амалдорларнинг аҳолига нисбатан бўлган адолатсизликлари, ўз манфаатини аҳолидан устун қўйиши, солиқ ва ҳар хил тўловларнинг кўплиги натижасида маҳаллий аҳоли оммавий тарзда ўз яшаш жойларини ташлаб Туркистон ўлкаси ва Афғонистонга кўчиб кетишган. Бунинг оқибатида Шарқий Бухородаги кўплаб қишлоқларда аҳоли сони сезиларли даражада камайиб кетганлиги кузатилади.

1903 йил 15 январда Амударё бригадаси командири Бухородаги сиёсий агентга берган баёнотида январ ойида Шарқий Бухоро бекликларида яшовчи кўплаб аҳоли Афғонистонга кўчиб кетганлигини маълум қилади. Бунга ўша йили қиш совуқ бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги, чорва моллари учун ем-хашакнинг етишмаслиги, аҳолининг ҳар хил солиқ ва тўловлардан толиққанлигини сабаб қилиб кўрсатади[5].

Шарқий Бухоро бекликларида аҳолидан йиғиб олинган солиқ ва тўловлар Ғарбий Бухородаги бекликларга нисбатан фарқли жиҳатлари ҳам учраб турган. Маҳаллий амалдорлар доимий равишда шариат қонунларини кўпол равишда бузиб унга деярли амал қилишмаган. Бухоро ҳукумати томонидан белгилаб қўйилган солиқлардан ташқари, бек ва амлоқдорлар томонидан ҳам бир қанча қўшимча тўловларни жорий қилишиб, чарводор, деҳқон, савдогар ва хунармандлардан мажбуран тўлашни талаб қилганлар. Шарқий Бухородаги бекликларда кўпроқ қўшимча солиқ ва тўлов турлари жорий қилиниб аҳолидан йиғиб олиган. Ғарбий Бухоро бекликларида қўшимча тўловлар нисбатан қамроқ жорий қилинган

Бу бекликлар марказга яқин бўлганлиги учун қисман назорат остида бўлиб, маҳаллий амалдорлар ҳукуматдан чўчиб туришгани билан изоҳлаш мумкин. Қўшимча жорий қилинган тўлов турларининг аниқ миқдори бирорта бекликда белгиланмаган шунинг учун ҳам маҳаллий ҳокимият вакиллари ўзлари билганича ва ҳоҳлаган миқдорда қўшимча солиқларни аҳолидан йиғиб олишган.

Шарқий Бухорога қўшни хонликлардан чорва молларини сотиб олиш учун келган савдогарлардан ҳам маҳаллий амалдорлар ноқонуний тарзда кўп миқдорда закот солиғини олишган. Бундай ноқонуний олинган солиқлар натижасида савдогарлар тегишли жойларга шикоят қилишга мажбур бўлган. Масалан, Бухородаги сиёсий агент номига Тошкентлик савдогар Охунжонбобо Магаммедов томонидан шикоят хати ёзилган. Унда Ҳисор беклигидан яшовчи фуқаролардан чорва молларини сотиб олганлиги ва Бухоро ҳукуматида закот тўлаганлиги баён қилинган. Чорва молларини орқага олиб қайтишда йўлда Фозил закотчи уни ушлаб олдинги тўлаган закоти ўтмаслигини ва ундан яна қўшимча 1000 танга олганлиги ёзилган. Савдогарнинг шикоят хати сиёсий агентлик томонидан ўрганилиб ноқонуний олинган тўлов эгасига қайтариб берилгани таъкидланган[6].

Кўп сонли солиқ ва тўловлардан ташқари Бухоро амирлигида махсус “тортиқ” совға-саломлар ҳам мавжуд бўлган. Ҳар бир бек Бухоро амирига йилига камида 2 марта совға – саломлар бериб турган. Тортиқнинг биринчиси баҳор ойида, иккинчиси эса куз ойларида жўнатилган. Бундан ташқари баъзи беклар амирига яхши кўриниш ва унинг ишончини қозониш учун 3-4 мартаба тортиқ бериб туришган.

Тортиқ Наврўзда янги кун муносабати билан ёки Рамазон ва Қурбон ҳайитларида берилган. Амир бирор жойга борса ўша жойда ушланиб қолинса тортиқдан ташқари йўл харажатларини беклар тўлашга мажбур бўлган[7]. Бу харажатлар ҳам бевосита маҳаллий аҳолининг елкасига келиб тушган.

Бухоро амири ҳам Россия ҳукуматида Подшо жанобларига, унинг издошлари ва хизматчиларига тортиқ жўнатиб турган. Тортиқ асосан подшонинг туғилган кунига ва зиёфатлар уюштирилган вақтларда берилган[8]. Шунингдек, ҳар йили турли мақсадларда Бухорога кўплаб рус ҳукуматининг вакиллари, топограф, генерал штаб офицерлари ва бошқалар ташриф буюришган. Уларни меҳмон қилиш, кўрсатилган жойларга олиб бориш, озиқ- овқат, керакли анжом ва нарсалар билан таъминлаш ҳам амир зиммасига юклатилган[9].

Элчилар бошлиғи сифатида Бухорога келган княз Витгенштейн ва подполковник Крестовскийлар ҳам Бухоро амири томонидан берилган совға-саломлардан куруқ

қолмаганлигини таъкидлаб шундай ёзади: Бизнинг элчилик таркибимизда 6 киши бор эди шундан, 3 таси кичик амалдорлар, Бухорога ташриф буюрганмизда ҳар биримизга 1 тадан от, кундал матосидан тикилган ёпғич, бир жуфт жуган, бир тугун халат, бош элчига эса 2 та от, бархитдан тикилган ёпғич, ку-муш ипдан тикилган гулли ипак матоси ва 9 та тугунда халатлар берилганлигини, шунингдек, улар қайси бекликга боришмасин уларга савға-саломлар тортиқ қилинганлигини, элчилик давомида 6 та от, 30 та тугун жами 117 та халат йиғилганлигини, уларнинг умумий суммасини ҳисоблаганда 2000 рубльга тенг бўлишини таъкидлайди[10].

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро ҳукуматининг ўлкада олиб борган солиқ сиёсатиға қарши аҳолининг норозилик кайфияти кучайди. Биргина хирож солиғи бу даврга келиб, 40 фоизгача кўтарилди[11]. 1871 йилда Қарши ва Ғузорда маҳаллий аҳоли томонидан норозилик чиқишлари юз берди бу эса йирик кўзғолонга айланиб кетади. Кўзғолон иштирокчилари сони тезда 10 мингдан ошиб, бозорни ва бек қалъасини ўраб олишади ва у ерларни вайрон қилади[12]. 1874 йилда Балжувонда, 1885 йилда Кўлоб вилоятининг Мўминобод қишлоғида[13], 1886 йилда Ҳисор ва Балжувонда, 1889 йили Қоратоғ ва Калифда[14] маҳаллий бошқарув тизими ва солиқ йиғувчиларга қарши кўзғолонлар бўлиб ўтади. Бу кўзғолонларнинг барчаси бирдек натижа бермаса-да, лекин маҳаллий ҳокимият вакиллари ози бўлса-да, аҳолиға ён беришга мажбур қилади.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, мамлакатдаги барча оғирликлар оддий меҳнаткаш омманинг зиммасига юкланган эди. Баъзи адолатли дин пешволари оддий халқни бундай ўзбошимчаликлардан ҳимоя қилишга уринишган. Жумладан, Денов қозиси мулла Мир Имоиддин солиқ йиғувчилар ўрнатилган анъанани бузиб солиқ олаётганлигини Бухоро амириға маълум қилиб, уларнинг ўзбошимчаликларини тартибга солишни сўраб амириға шикоят хати йўллайди[15]. Бундан ташқари, воҳада яшовчи аҳоли томонидан ҳам Бухоро амириға кўплаб норозилик ва шикоят хатлари ёзилган. Мисол тариқасида Шеробод беклигида яшовчи деҳқонларнинг Шеробод раиси мулла Мансурбек устидан амириға ёзган шикоятини келтириш мумкин. Унда Шеробод раиси хунармандлардан кунига бир танга ортиқча солиқ олаётгани, олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда муҳр учун қози қанча сўраса, у ҳам шунча сўраётганини, мактаб пулини олишда эса белгилангандан кўпроқ-ойига 20 танга олаётгани маълум қилинади[16].

Аммо бундай шикоятлар деярли натижасиз қоларди. Шу боисдан деҳқонлар ўз ораларидан энг ишончли вакилларни амир ҳузуриға юборишган. 1885 йилнинг 10 октябрида Шерободдан бир неча вакиллар белгилангандан кўп солиқ олаётганлиги учун амлоқдорлар устидан шикоят қилиб амир ҳузуриға боришган[17]. Лекин бу ҳам ҳеч қандай натижа бермайди. Амир айбдорларни жазолаш ўрниға Шеробод бегиға шикоят қилиб келганларға жазо беришни буюрган. Қози мулла Абдурахим ва Шеробод ҳукмдори Содикбой томонид амирамириға ёзилган жавоб хатида шикоятчилардан учтаси ҳибсға олинганлиги, қолган учтаси қочиб кетганлиги ва улар қидирувда эканлиги маълум қилинган[18].

Олдинги шикоятлардан натижа бўлмагач, 1885 йил 31 октябрида деҳқонлар яна ўз ишончли вакиллари оидан нажот излаб амир ҳузуриға солиқ тизимини тартибга солишини сўраб юборишган, лекин бу сафар ҳам амир шикоятчиларға ёрдам кўрсатиш ўрниға уларни Қарши шаҳридаги зиндонға ташлашни буюради.

Бундай ҳоллар амирликда жуда кўплаб учраб турган оддий меҳнаткаш омма амирдан адолат излаб, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилсаю ундан адолатли жавоб оломаган ҳоллари ҳам юз берганини юқоридаги маълумотлар таъкидлаб турибди. Амирликда меҳнаткаш аҳолининг оғир турмушини енгиллаштирувчи бирор куч йўқ эди. Деҳқонлар энди шикоят қилиш билан ҳеч нарсаға эришиб бўлмаслигини, норозилик ёки исён йўли билан бирор натижаға эришиш мумкинлигини англай бошладилар.

Оқибатда 1885-1886 йилларда Шеробод беклиги аҳолиси солиқ тўлашдан бош тортиб исён кўтарган. Тоғли Дахпаракент қишлоғида бўлиб ўтган ғалаёнлар жиддий тус олиб, халқ солиқ йиғувчиларни калтаклаб ҳайдайди[19]. Маҳаллий ҳокимиятнинг қуйи қатламлари ҳам

ғалаённи қўллаб-қувватлайдилар. Шеробод беклигидаги ушбу норозилик чиқишлари Бухоро амирини анча чўчитиб қўйди ва у бироз бўлса-да, деҳқонларга ён беришга мажбур бўлди.

Ғалаён натижасида, Бухоро амири Шеробод беклигида янги тўлов тартибини жорий қилишга мажбур бўлди, лекин бу янги тўлов ҳам деҳқонларни қониқтирмайди. Шундан кейин ҳам улар 30-40 кун давомида солиқ тўлашдан бўйин товлашган. Бу гал Бухоро амири шикоятни ўз жойида ўрганиш учун Бобожон жевачини Шерободга жўнатган[20].

Бобожон жевачининг Шерободга келиши ҳам деҳқонлар учун ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Икки марта қилинган шикоят натижасиз қолгандан сўнг, шерободлик деҳқонлар Бухоро амирига учинчи бор шикоят қилишган. Эндиликда кичик қишлоқ амалдорлари ҳамда бой деҳқонлар ҳам маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаб, солиқ йиғувчиларнинг хатти-ҳаракатларидан норози эканликларини билдирдилар. Ариза ва норозиликлар кўпайиб кетганлигидан чўчиган амир шикоятларни ўрганиш учун Бухородан мулла Шароф мирохўрни Шерободга юборган ва ундан тафтиш ўтказишни талаб қилган. Ўтказилган тафтиш натижасида солиқ йиғувчилар ва амлоқдорлар томонидан шариат қонунлари кўпол равишда бузилганлиги аниқланган. Солиқ йиғувчилар аҳолидан белгиланган миқдордан 10 фоиз кўп солиқ олганликлари маълум бўлди[21]. Мулла Шароф аҳолини тинчлантириш мақсадида маҳаллий амлоқдорлардан солиқларни белгиланган меъёрдан оширмасликни талаб қилиб уларни огоҳлантирган.

Маҳаллий ҳукмдорларнинг адолатсизликларидан амир хузурига нажот излаб борган халқ вакиллари ҳар доим ҳам қониқарли жавоб олмас, аксинча, улар жазога маҳкум қилинарди. Бунинг оқибатида турли солиқ ва тўловлардан толиққан Шеробод аҳолисининг ўз жойларини ташлаб, Афғонистон ва бошқа жойларга кўчиб кетиши ҳоллари тез-тез учраб турган[22].

Солиқ миқдорининг кўплиги ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчаликлари қарши XIX асрнинг 70-80-йилларига келиб, Денов беклигидан ҳам бир гуруҳ исёнчилар солиқ йиғувчилар устидан арз қилиб амир хузурига боришган ва бекликдаги тартибсизликларни йўлга солишни қаттиқ талаб қилишган[23]. Шундан сўнг, амир шикоятни ўрганиш учун Деновга Саид Назарбек қоровулбегини юборган. У Денов қозиси билан биргаликда шикоятни ўрганиб чиққан. Тафтиш давомида амлоқдорлар ҳақиқатдан ҳам солиқларни белгилангандан кўп миқдорда йиққанликлари маълум бўлган.

Саид Назарбек вазиятни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Денов беклигида солиқ тўлашнинг эски тартибини жорий қилган ва шу йўл билан деҳқонларни тинчлантирган. Денов амлоқдори Олмосбой ўз вазифасидан четлаштирилган[24]. Эски солиқ тизимига қайтилиши ва амлоқдорнинг алмаштирилиши деҳқонларнинг ғалабаси эди, аммо амлоқдорларнинг алмаштирилиши, солиқлар тартибининг ўзгартирилиши оддий аҳолининг турмушини ўзгартириб, уларнинг яхши яшашини таъминлай олмас эди. Янги тайинланган амлоқдорлар ҳам бироз вақт ўтгач, шариат қонунларини кўпол равишда бузиб, олдинги тартиб қонидани жорий қилар ва солиқларни ўз билганича йиға бошларди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб аҳолининг норозилик кайфиятлари шиддатли тус ола бошлади, кўзғолонлар муқаррар бўлиб қолди. Шундай кўзғолонлардан бирига деновлик Эрназар Полвон бошчилик қилади. Бу кўзғолонга Денов беклигидаги бир неча қишлоқ аҳолиси кўшилган[25]. Кўзғолон кучайиб кетгач, Денов беги Абдурахмон бунга қарши ўзининг қуролланган гуруҳини жўнатди. Кўзғолончилар ва бек навқарлари ўртасида бўлиб ўтган жангда бек навқарлари мағлубиятга учрайди. Кўзғолончилар Эрназар Полвон бошчилигида Денов қалъасини эгаллашган ва бир ярим ой давомида уни ўз қўлларида ушлаб туришган. Бу воқеадан хабар топган Бухоро амири ўзининг кўп сонли қуролланган навқарларини Деновга юборган. Улар қалъани қамал қилиб, кўзғолончиларни мағлубиятга учратишган. Натижада кўзғолон қатнашчиларидан 48 таси қўлга олинди, Дарбанд дарасида дорга осилган[26].

Денов беклигида ҳам бир неча маротаба ғалаён кўтарилиб, шулардан иккитаси маҳаллий ҳокимларни ташвишга солган ва уларни халқ билан ҳисоблашишга мажбур қилган.

Биринчисида ғалаёнчилар ғалаба қозонган бўлса, иккинчиси деҳқонларнинг мағлубияти билан яқунланади. Ғалаёнчилар қатл этилди, ammo энди ғалаёнчиларни қатл этиш билан аҳолини қўрқитиб бўлмас, аксинча бундай ғалаёнлар беклик ва амирликнинг бошқа жойларида ҳам авж олиб борарди.

1886 йил июль ойида Ҳисорда солиқ йиғувчи ва деҳқонлар ўртасида тўқнашув юз беради. Бу тўқнашув тўғрисида Бухородаги сиёсий агент Н.Черыков 1886 йил 9 августда Россия императорига ёзган хатида маълумот берган[27]. Ҳисордаги кўзғолоннинг ҳам асосий сабаби Бухоро ҳукумати томонидан жорий қилинган солиқлардан ташқари бек ва амлоқдорлар томонидан қўшимча солиқлар жорий қилиб йиғиб олиш бўлган. Натижада, Ҳисор аҳолиси солиқ йиғувчи амлоқдор Абдурахмон Мирахур ва унинг шерикларини калтаклаб ҳайдашган. Мулла Мир Ахмад раиснинг Бухоро амирига берган ахборотида бу кўзғолоннинг кўтарилишига Ҳисор беги Абдулмўминхоннинг нотўғри сийёсат олиб борганлигини сабаб қилиб кўрсатган, шунингдек, бекнинг олиб борган ишларидан аҳолидан ташқари бекнинг яқинлари ҳам норози эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган[28].

1902 йилда Денов атрофида катта ғалаён бўлиб ўтган. Ғалаён ҳақидаги шов-шувлар Деновдан Тошкент ва ҳатто Петербурггача етиб борди. Бу воқеа Россия империяси ҳукумати маъмурларини ҳам хавотирга солиб қўяди. Подшо Россияси ҳукумати Бухоро амиридан Деновдаги ғалаён ҳақида Тошкент ва Петербургга маълумот беришини талаб қилган[29]. Мамлакатдаги ғалаёнлар эндиликда нафақат Бухоро амирлигини, балки Россия ҳукуматини ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Бу эса деҳқонларга қисман бўлса-да енгиллик берди ҳамда маҳаллий амалдорлар аҳоли билан муроса қилишга мажбур бўлдилар.

4.Хулосалар:

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларига келиб, Бухоро амирлигида марказий ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, диний уломалар ҳамда шариат пешволари маҳаллий аҳолининг яшаш шароити ва турмуш тарзини яхшилаш учун ҳаракат қилишмасди. Амир ва унинг қўл остидаги мутасаддилар мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун бирон бир ислохотларни амалга оширишмади. Марказий ва маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳали ҳам эскича қарашдан воз кечолмай, янги қараш ва яшашни ҳоҳлашмасди. Мамлакатда солиқ турларининг ҳаддан ташқари кўплиги оддий меҳнаткаш омманинг хўжалигини издан чиқарди. Натижада, маҳаллий аҳоли оммавий тарзда ўз яшаш жойларини ташлаб Туркистон ўлкаси ва Афғонистонга кўчиб кетиши ҳоллари кўпайди.

Солиқ йиғувчилар кўпинча мансабларини суистеъмол қилиб, ўзларининг даромадларини ошириш учун белгилангандан кўп ёки янги солиқ жорий қилиб йиғиб олиниши XIX асрнинг охирига келиб аҳолининг жиддий норозиликларига сабаб бўлди.

Амирликда маҳаллий беклар, амлоқдорлар ва шариат уломалари Бухоро ҳукумати томонидан чиқарилган қонун ва фармонларга деярли этоат этишмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири амирнинг маҳаллий бошқарув тизими билан деярли қизиқмай ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги ҳамда ўзи чиқарган қарор ва фармонларнинг ижросини таминлашни назоратга олмаганлиги, шунингдек, бошқарув тизимидаги уруғ аймоқчилик, маҳаллийчилик амир ҳукуматининг заифлашувига олиб келди.

Аҳолининг ҳокимият вакилларига нисбатан норозилик чиқишлари уюлмаган ва тартибсиз бўлсада, Бухоро ҳукуматини маҳаллий аҳоли билан қисман ҳисоблашишга мажбур қилди. Бу эса мамлакатда деҳқонлар эришган асосий ютуқлардан бири эди. Лекин фуқароларнинг баъзи бир ютуқларни қўлга киритиши, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига имкон бермасди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX-нач. XX века. - Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967. - С.216. (Majlisov A. Agrarian relations in Eastern Bukhara in the 19th century. XX century. - Dushanbe-Alma-Ata: Irfon, 1967. - p. 216.)

2. Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX - начале XXвв (1870-1917гг). -Душанбе: АН Тадж. ССР, 1963. -С. 88. (Stetsenko I.A. From the history of popular movements in Tajikistan in the second half of the XIX - early XX centuries (1870-1917). -Monday: AN Taj. SSR, 1963.S. 88.)
3. ЎЗР МА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 919 -иш, 17-варақ (NA RUz, fund I-3, op. 1, case 919. - p. 17).
4. Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. - Душанбе: АН.Тадж. ССР, 1963. – С.85. (Iskandarov B.I. Eastern Bukhara and Pamir in the second half of the 19th century. Ch. II. - Dushanbe: A.N. Taj. SSR, 1963. - p. 85.)
5. Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. - Душанбе: АН Тадж. ССР, 1963. - С. 87. (Iskandarov B.I. Eastern Bukhara and Pamir in the second half of the 19th century. Ch. II. - Dushanbe: AN Taj. SSR, 1963. - p. 87.)
6. ЎЗРМА И3- жамғарма, 1- рўйхат, 171 – иш, 235- варақ (NA RUz, I3-fund, 1-sheet, 171-work, 235-1).
7. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: Б.И., 1909. -С. 159 (Logofet D.N. The land of misery. Tugsar Khanate and its current state. - SPb.: B.I., 1909.S. 159).
8. Логофет Д.Н. кўсатилган асар. – Б.180. (Logofet D.N. exhibited work - p. 180)
9. Крестовский. В гостях у эмира Бухарского. СПб. 1887. -С. 231 (Krestovsky. Visiting Emir Buksarsky. SPb. 1887.S. 231)
10. ЎЗРМА И2- жамғарма, 1- рўйхат, 251 – иш, 28- варақ (NA RUz, I2-fund, 1-sheet, 251-work, 28-sheet).
11. Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX вв. –Т.: Фан, 1991. – С. 28 (Khakimova K.Z. The peasantry of the Buksar Emirate in the late 19th and early 20th centuries. –Т.: Fan, 1991. - p. 28).
12. ЎЗР МА, 1-жамғарма, 34-рўйхат, 109-иш, 17-варақ (NA RUz, Fund 1, List 34, File 109, -p. 17).
13. Мухсинова К.З. Документы о крестьянских движениях в Бухарском ханстве в 80-е г. XIXв // История Средней Азии. - Т., 1965. - С. 5-23. (Mukhsinova K.Z. Documents about Christian movements in the Bukhara Khanate in the 80s. XIX century // History of Central Asia. - Т., 1965. --- p. 5-23).
14. ЎЗР МА, 2-жамғарма, 1-рўйхат, 26-иш. 23-варақ; Хамроев М. Очерки история Хиссарскогобекства конца XIX - начала XX вв. - Душанбе: Тр. АН Тадж. ССР, 1959. - С. 80. (NA RUz, 2nd fund, 1st list, 26th building. P. 23; Khamroev M. Essays on the history of Khissar Bekstva late XIX - early XX centuries. - Dushanbe: Tr. AN Taj. SSR, 1959. - p. 80).
15. ЎЗР МА, 26- жамғарма, 1-рўйхат, 1058-иш, 2-варақ (NA RUz, fund 26, sheet 1, file 1058, sheet 2).
16. ЎЗР МА, 126-жамағарма, 1-рўйхат, 1001- иш, 18-варақ (NA RUz, fund 126, sheet 1, file 1001, sheet 18).
17. ЎЗР МА, 126-жамағарма, 1-рўйхат, 1001- иш, 69-варақ (NA RUz, fund 126, list 1, file 1001, page 69).
18. ЎЗР МА, 126-жамағарма, 1-рўйхат, 1001- иш, 71-варақ (NA RUz, fund 126, list 1, file 1001, -p.71).
19. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидеги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. -Т.: АБУ МАТВУОТ-KONSALT. 2008. -Б. 82. (Ochildiev F.B. Socio-political and economic changes in the principalities of the Surkhandarya oasis. Т .: АБУ МАТВУОТ-CONSULT. 2008. -p. 82)
20. Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. - Т.: Фан, 1980. - С. 144. (Khakimova K.Z., Kravets L.N. Socio-economic relations and class struggle in pre-revolutionary Uzbekistan. - Т.: Fan, 1980. - p. 144).

21. ЎзР МА, 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1267-иш, 80-варақ (NA RUz, fund 126, op. 1, case 1267, p. 80).
22. ЎзР МА, 126-жамғарма, 1-рўйхат, 449-иш, 46-варақ (NA RUz, fund 126, list 1, file 449, p. 46).
23. ЎзР МА, 1-жамғарма, 34-рўйхат, 670-иш, 14-варақ (NA RUz, Fund 1, List 34, File 670, pp. 14).
24. ЎзР МА, 1-жамғарма, 34-рўйхат, 677-иш, 74-варақ (NA RUz, Fund 1, List 34, Case 677, Page 74).
25. Шониёзов К.Ш. Узбеки-Карлуки. - Т.: Наука, 1964. - С. 136. (Shoniyozov K.Sh. Uzbecks-Karluks. - Т .: Science, 1964. - p. 136).
26. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. -Б.84. (Ochildiev F.B. Socio-political and economic changes in the principalities of the Surkhandarya oasis. Т .: ABU MATBOOT-CONSULT. 2008. -p. 84).
27. ЎзР МА. И-1-жамғарма, 34-рўйхат, 668-иш, 11-варақ (NA of the Republic of Uzbekistan. I-1 Fund, 34 List, 668 Case, Page 11).
28. Хакимова К.З., Кравец Л. Н. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном узбекистане. Т. – 1980. - С. 146. (Khakimova K.Z., Kravets L. N. Socio-economic relations and class struggle in pre-revolutionary Uzbekistan. Т. – 1980. - p.146).
29. ЎзР МА, 126-жамғарма, 1-рўйхат, 201-иш, 8-варақ (NA RUz, fund 126, list 1, file 201, - p.8).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000